

МЕН ҲАЁТИМНИ СИЗЛАРСИЗ АСЛО ТАСАВВУР  
ҚИЛОЛМАЙМАН. СИЗЛАРНИНГ ТАҚДИРИНГИЗ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМ.  
СИЗЛАРНИНГ БАХТИНГИЗ — БУ МЕНИНГ БАХТИМДИР.

# ЎЗБЕК ИСТО

2000 йил  
23 январь,  
Якшанба

№ 11 (25.561).

O'ZBEKISTON HALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN  
SHIQA BOSHLAGAN

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлиси  
Биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши тўғрисида

## А Х Б О Р О Т

# VOZI

Ўтган йилнинг декабрь ойида сайланган иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 22 январь куни Тошкентда ўз ишни бошлади.

Парламент биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов иштирок этди.

Йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахбороти воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи йиғилишини Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов очди.

Депутатлар парламент биринчи йиғилишининг кун тартибидини тасдиқладилар.

Олий Мажлисга ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов сўзга чиқди. У сайланган депутатларни кизгин табриқлаб, қонунийлик фаолиятида уларга муваффақиятлар тиллади.

Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига расмий қилиши маросими иккинчи чакриқ парламентини ишдаги тарихий онлар бўлиб қолди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси депутатлар олдига ўз сўзида кенг демократик асосда бўлиб ўтган Президент сайловининг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. 26 мамлакатдан келган 120 дан орттиқ халқаро кузатувчи сайлов кампанияси демократик тамойиллар асосида ўтказилганини эътироф этди. Бу муҳим иштинимий-сўбсий тағбир оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Халқнинг ўз хоҳиш-проғасини эркин ифода қилиши натижасида Ислоом Каримов сайловчиларнинг 91,9 фоиз овозини олди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси залда ҳозир бўлганлар номидан Ислоом Каримовни юксак ва масъулиятли лавозимга — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланганлигини билан қизгин муборакбод этди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлик тўғрисидаги тубономаини топширди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Эшонев алоҳида таъкидлаб айтдики, Президент сайлови Конституция ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонун талабларига, шунингдек, чинакам

демократия ва қонунийлик принциплари ҳамда нормаларига тўла мувофиқ ҳолда ўтди. У Ислоом Каримовнинг халқ томонидан бевоғима, умумий, тўғридан-тўғри, эркин ва тенг сайловда яширин овоз бериши бўли билан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлигини Конституциявий суд тасдиқ этганлигини маълум қилди. Сайловда Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари қафолатлари қатъий таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислоом Каримов қўйидаги мазмунда қасамғ қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва Қонуналарига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президентини зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга таянганлигимни қасамғ қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкумаси янаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов депутатлар олдига маъруза қилди. (Маъруза матбуотда эълон қилинмоқда).

Шундан сўнг парламент ишдаги танаффус эълон қилинди.

Олий Мажлис «Рада-Мажлис» овоз бериши электрон тизими ишдаги назорат қилиши учун депутат М.Миралимов бошчилигида депутатлар махсус гуруҳини тизди.

Парламентнинг биринчи йиғилишида таъбирарлик қилиши ва уни ўтказиши бўйича депутатлар ишдаги гуруҳининг раҳбари А.Турсунов Олий Мажлис Раиси номзоди юзасидан сўбсий партиялар фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари раҳбарлари билан келишилган тақлифни қилди.

Депутат Э.Халилов яширин овоз бериши бўли билан Олий Мажлис Раиси этиб сайланди. Олий Мажлис Раиси юксак ишонч учун депутатларга миннатдорлик билдириди ҳамда мамлакат қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи иши яна давра талабларига, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик бўлига ҳамisha монанд бўлиши учун бор куч, билым ва тажрибасини сафарбар этишга сўз берди.

Шундан сўнг сессияга Э.Халилов раислик қилди. Унинг тақлифига бинонан Б.Бугров ва Ф.Муҳитдинова Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Олий



Мажлис депутатини бўлади. Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис депутатларининг тавбасига бинонан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоран Кенгеси Раиси Т.Қамолов Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

### ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

#### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи сессиясидаги маърузаси

Азиз ватандошлар!  
Ҳурматли халқ депутатлари!  
Муҳтарам меҳмонлар!

Авалло, мана шу юксак ва муътабар минбардан туриб, менга катта ишонч билдириб, мамлакат Президентлигига сайланган барча сайловчиларга, бутун халқимизга чин қалбимдан кон-меналурегия ҳиссардорлик жамияти раиси В.Сиедин, Шаҳрисабз туманидаги 2-шифона бош шифокори П. Бағалбоева, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари блокланинг раҳбари; Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ректори А. Саидов сўзга чиқиб, Президент Ислоом Каримовни лавозимга қилишгани билан чин юракдан табриқлаб, мамлакатни янада ривожлантиришнинг ўз маърузасида тақлиф этган расмурушн қизин қўлаб-қўвватладилар ҳамда давлат раҳбарини Олий Мажлисининг янги таркиби ўтказилган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаши учун бор куч ва тажрибасини сафарбар этди, деб ишонтирдилар.

Йиғилиш сўнгига Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов иттиқ сўзлади. Шу билан иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи йиғилиши ўз ишни якунлади. Олий Мажлисининг биринчи сессияси кўска муваффақли танаффусдан сўнг ўз ишни давом эттирди.

раққиёт йўлига қатъий ишончидан яна бир далолат, деб биламан.

Сайловолди жараёнларида, сайловлар чоғида оддий сайловчилар, оддий фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар, бошидан турли синовларни кечирган, кўп-кўп раҳбарларни кўрган, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини татиған кишининг чин кўнгилдан айтган сўзларини эшитиб, одамнинг қалбини беиттир шундай бир туйғу, ҳиссиёт чулғаб олар эканки, бунинг сўз билан ифода қилиши қийин.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу тарихий дақиқаларда бутун халқимизга қалбимдаги тўлиб-тошиб турган гапларимни айтмоқчиман: менга билдирган ҳурмат-эҳтиромингизга, юксак ишончингизга қадрайман, умрбод юрагим-да сақлайман.

Мен ҳаётимни сизларсиз асло тасаввур қилолмайман. Сизларнинг тақдирингиз — менин тақдирим. Сизларнинг бахтингиз — бу менин бахтимдир.

Мухтарам халқ ноиблари! Бугун биз мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин ва мавқега, юксак обрўга эга бўлган, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида катта хизмат қилаётган Олий Мажлисимизнинг янги чакриқ биринчи сессиясининг очилишида иштирок этишимиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз — азизларни халқимизнинг ишончига сазовор бўлганингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. Она-Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда сизларга сийҳат- (Давоми 2-3-бетларда).



Суратларда: сессия залидан лавқалар.

Абдувахид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини сайлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:  
Эркин Ҳамдамович ХАЛИЛОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб сайлансин.  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь

ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ  
Б.М.Бугровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:  
Борис Иванович БУГРОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь  
ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ  
Ф.Ф.Муҳитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:  
Фарруха Фахриддиновна МУҲИТДИНОВА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь

ЎЗБЕК ИСТО Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ  
Т.Қамоловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:  
Тимур ҚАМОЛОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:  
Тимур ҚАМОЛОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 22 январь





